



# Ishonch

2016-yil  
3-noyabr,  
payshanba

№ 131  
(3792)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### АХОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очик-ошкора механизми жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 январидан: четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олиннадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматида 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан орტიқ бўлмаган микдорларда белгиладиган

чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади;

1-иловада қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш;

1-иловага мувофиқ рўйхатда қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар бир номдаги дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиладиган қўталар доирасида мамлакатимизда тегишли фаолият билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган улгуржи ва улгуржи-чакана компаниялар ўртасида тендер ўтказиш асосида амалга оширилиши белгилансин.

2. Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш учун Республика комиссияси 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин. Қўйидагилар Республика комиссияси-


нинг асосий вазифалари этиб белгилансин: мамлакатимиз фармацевтика бозорининг, жумладан, республикамизда ишлаб чиқарилган асосий дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини тизимли таҳлил этиш ва шу асосда дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари турларини диверсификация қилиш ҳамда ички бозоримизни янада бойитишга доир таклифлар ишлаб чиқиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга маъсۇл давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш;

рўйхатга киритилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун қайд этилган нархларни белгилаш ҳамда уларни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотадиган ташкилотларга етказишни ташкил этиш; рўйхатга киритилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархларига риоя этилишини назорат қилиш тадбирларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

қайд этилган нархлар белгиладиган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган тақдирда қарорлар қабул қилиш;

мамлакатимиз фармацевтика саноатида етакчи хорижий компаниялар ва инвесторларни янада кенг жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; вазирлик ва идоралар, улгуржи савдо ташкилотлари раҳбарларининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш масаласи, шунингдек, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг, жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини қондиришга оид амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиш.

» (2).



## Момик сочиқлар

Бухоро вилояти Жондор туманидаги «Глобал Мега текстил» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган момик сочиқлар ранги тиниқлиги ва пишиқлиги билан харидорларни

Ўздан зиёд иш ўрни яратилган корхонада ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимояси намунаси йўлга қўйилган. Корхона маҳсулотлари ички ва ташқи бозорга чиқарилмоқда.

СУРАТДА: Бухоро вилояти Жондор туманидаги «Глобал Мега текстил» масъулияти чекланган жамиятида.

ЎЗА фотомухбири  
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.

## САЙЛОВ — 2016

### Сарвар Отамуратовнинг Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 2 ноябр куни Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сайловчи ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси У.Жалмонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Т.Романов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда халқроқ микёсда эътироф этилган ва бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида амалга оширилаётган ислохотлар бардамолигини таъминлаш, тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва аъёнлар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш масалаларига устувор аҳамият қаратилган.

Дастурда маданий мерос объектларини ҳимоя қилиш масаласига кенг ўрин берилган. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам тарихий обидалар ва муқаддас қадим-жолар кўп. И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи ва Қорақалпоқ давлат Улқашунослик музейида жуда қимматли қўлёзмалар, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари сақланмоқда.

Номзоднинг дастурида халқимизнинг бетакор ва улғув тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва аъёнларини асраб-авайлаш, маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, ҳисобга олиш ишларини такомиллаштириш, музей, архив, кутубхоналар ва бошқа жойларда сақланган маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларини тўлиқ тоифалаштириш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган объектларни киритиш, юксак эстетик қимматга эга бўлган миллий хунармандлик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадий мактаблар аъёнларини ривожлантириш каби муҳим вазифалар қайд этилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини янада кенг жорий этиш, спортнинг барча турлари, айниқса, Олимпия уйинлари дастуридан ўрин олган ҳамда миллий турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, болалар спортини ривожлантириш масалалари бўйича ҳам бир қатор вазифалар илгари суртилган.

Видеоконференция тарзида ўтган учрашувда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат кенг жорий этиш, спортининг И.Сейтназарова, Нукус шаҳридаги 31-умумтаълим мактаби директори В.Каленова, Онкология касалликлари диспансери бош шифокори М.Қурбонов ва бошқалар номзоднинг дастури ва унда белгиланган вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловолди фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

### Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилояти сайловчилари билан учрашуви

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 2 ноябр куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Наманган вилояти кенгаши раиси С.Муъинов очди.

Йиғилиш аввалида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов хотираси ёд этилди. Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Наманган вилояти ҳам изчил ривожланмоқда. Саноат тармоқлари кенгайиб, туманларда янги замонавий корхоналар ишга туширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг вилоят иқтисодиётидаги салмоғи тобора ортмоқда. Янги уй-йўл ва ижтимоий объектлар бунёд этилиб, шаҳару қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳудудларни комплекс ва изчил ривожлантириш, халқимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда видеоконференция орқали Наманган шаҳри ва барча туман марказларида йиғилган сайловчилар иштирок этди.

Меҳнат фахрийси Ш.Нуриддинов, «Афрўз Камол Наби» масъулияти чекланган жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори С.Нўмонов, «Истиқлол текстил дизайн» масъулияти чекланган жамияти директори Б.Умаров, Наманган вилояти киргиз миллий маданий маркази раиси М.Истамқулова, «Имрон текстил групп» хусусий корхонаси раҳбари И.Қутфидинов, меҳнат фахрийси И.Бўстонов, Поп туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси З.Ҳайдарова, Чуст тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Бозорова, Косонсой туманидаги «Қўқимбой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Қосимова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қўнчилигимиз ва халқро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловолди фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

### Ҳотамжон Кетмоновнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 2 ноябр куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси А.Қирғизбоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Дарханов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Ҳотамжон Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод сайловолди дастури партиянинг ғоя ва дастурий мақсадларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракциясининг Парламентдаги кўпчилик — демократик кучлар блокига нисбатан ўзини мувофиқ дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод сайловолди дастури партиянинг ғоя ва дастурий мақсадларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракциясининг Парламентдаги кўпчилик — демократик кучлар блокига нисбатан ўзини мувофиқ дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатламлари, аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг ролини мустаҳкамлаш, энг кам истеъмол харажатлари стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизmlарини ишлаб чиқиш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг мутлақо янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш сайловолди дастурининг асосий ғояси экани қайд этилди.

Дастурда мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга уларнинг ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, иш ўрнига эга бўлиши учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шaroитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Видеоконференция тарзида ўтказилган учрашувда Оқмалик шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Қ.Қосимова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши сектор мудири Г.Абдураҳимова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ангрэн шаҳар кенгаши раиси И.Абдуқайумов ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ва унда белги-ланган вазифалар ҳақида фикрларини билдирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови жараёни кўптартибийлик асосида ўтатишни мамлакатимизда демократик ислохотлар ҳаётга татбиқ этилаётганининг амалдаги ифодаси эканини таъкидлади. Сайловчиларни Ватанимиз келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловолди фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

### Наримон Умаровнинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 2 ноябр куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни «Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Р.Раупов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили К.Сахатов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда ижтимоий ҳимоя ва унинг амалда қўлланилишига доимий эътибор қаратиш кўзда тутилган. Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш, давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни жорий этиш, «Яшил иқтисодиёт»га ва унга мос технологияларга ўтишни давлат томонидан кенг рағбатлантириш каби ғоялар илгари суртилган.

Мамлакатимиздаги макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютаимиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва сугурта тизимларини такомиллаштириш борасидаги сиёсатни изчил давом эттириш номзоднинг дастуридан алоҳида ўрин олган.

Дастурда ҳодимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ҳодимларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг қўламли ислохотларни босқичма-босқич давом эттириш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати А.Бобоев, Қарши давлат университети қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари И.Ражабова, Қарши тиббиёт коллежи ўқитувчиси Н.Мамадиев, Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси радио гуруҳи мұҳаррири З.Бобоназарова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови кўптартибийлик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик тамойилларга тўла амал қилинаётганидан далолат эканини таъкидлади. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловолди фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

# БУГУННИНГ НАФАСИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### АҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

№(1).

3. Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ:

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархини тартибга солиш тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига рўйхат киритилган импорт дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказиш вазифаси юклансин.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида Республика комиссиясига ҳар чоракда рўйхатда кўзда тутилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун йўл қўйилиши мумкин бўлган чекланган шартнома қийматини белгилашга доир таклифлар киритсин, қийматни ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган тендер таклифлари кўриб чиқилмайдиган;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2016 йил 1 декабргача рўйхатга киритилган импорт дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги барча тиббиёт муассасалари рўйхатда кўзда тутилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган тартибда Республика комиссияси томонидан белгиланган улгуржи нархлардан

ошмайдиган нархда сотиб олади.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

энг илгор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда асосий касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва клиник протоколлар стандартларини қайта кўриб чиқиш жадвалини икки ҳафта муддатда тасдиқласин, бунда уч ой муддатда ташхис қўйиш, даволаш ва клиник протоколларнинг янгиланган стандартлари тасдиқланганини, шунингдек, зарур ҳолларда амалдаги ташхис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколларни қайта кўриб чиқишни назарда тутсин;

тасдиқланган ташхис қўйиш, даволаш стандартлари ва клиник протоколларга мувофиқ ҳар йили Республика комиссиясига рўйхатни ўзгартириш бўйича, биринчи навбатда, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларининг кўпайишига қараб улардан фойдаланишни кўзда тутадиган таклифлар киритсин;

ташхис қўйиш, даволаш ва клиник протоколларнинг янгиланган стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун очик бўлган ахборот тизимлари орқали ўз вақтида етказишни таъминласин ҳамда уларга rioя этилишини қатъий назорат қилсин;

бир ой муддатда энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгиланган минимал рўйхати, шунингдек, шифокор рецептисиз берилмайдиган дори-дармон воситалари рўйхатини тасдиқласин, унга зарурат тутилганда белгиланган тартибда ҳар йили ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги учун лицензияни бекор қилиш шартлари, шунингдек, минимал рўйхат бўйича мажбурий талабларни

назарда тутган ҳолда, бир ой муддатда Фармацевтика фаолияти тўғрисидаги лицензия шартномасига қўшимчалар киритсин;

шифокорларнинг дори-дармон воситаларини тавсия этиш ва дорихоналарда дори-дармон воситаларини бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин ва унда белгиланган тартиб бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини назарда тутсин;

ўз расмий веб-сайти, шунингдек, дорихоналар расмий веб-сайтларида рўйхатга киритилган барча дори-дармон воситалари бўйича белгиланган нархлар тўғрисида мунтазам янгиландиган ахборот эълон қилинишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари зиммасига дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар уларнинг нархини давлат томонидан белгиланган тартибга rioя этишини тизимли асосда назорат қилиш вазифаси юклансин.

8. «Ўзфармасаноат» акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги «2016 — 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-2595-сонли қарорига мувофиқ рўйхатда кўзда тутилган импорт ўрнини босадиган дори-

дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш билан республика эҳтиёжини максимал даражада қоплаш бўйича муҳим чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги йиллик, чораклик моддий ва қиймат балансини шакллантиришда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзфармасаноат» акциядорлик компанияси томонидан асосланган тайёр дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини, шунингдек, уларни мамлакатимиз қорхоналарида ишлаб чиқариш учун хомашини четдан олиб келишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январьдаги «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги 19- ва 2000 йил 5 августдаги «Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 307-сонли қарорлари 2017 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка маъқул қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва Бош вазир ўринбосари А.Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
вазифасини бажарувчи **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 31 октябрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентини вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарияти фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, самараси юқори ва хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистонда ташкил этилган фармацевтика саноати муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда ва жадвал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимиздаги 132 фармацевтика қорхонаси томонидан 2 минг турдан ортиқ дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилаётган.

Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларидан фойдаланиш бўйича халқаро нормалар ва ривожланган давлатлар қўничилигига мослаштирилган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Халқаро сифат стандартларининг жорий этилиши самарасида мамлакатимиз фармацевтика қорхоналарининг экспорт салоҳияти ошди. Шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган айрим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари дунёнинг 20 дан ортиқ давлати, жумладан, МДҲ, Европа иттифоқи мамлакатлари ва АКШга экспорт қилинмоқда.

2016 — 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ янги фармацевтика қорхоналарини ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган қорхоналарни модернизация қилишга доир умумий қиймати 223,9 миллион АКШ долларига тенг 67 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу аҳоли ва тиббиёт муассасаларида эҳтиёж юқори бўлган импорт ўрнини босадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни 2,5 баробар ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда дорихона муассасалари тармоғи кенг ривожланган. Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудида 8472 хусусий дорихона ва уларнинг филиаллари, шунингдек, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси кирувчи 1437 дорихона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 70 ва 114 таси олис кишлоқлар аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлаш учун мўлжалланган ижтимоий ва сайёр дорихоналардир.

Шу билан бирга, соҳанинг бугунги ҳолати таҳлил қилиниши натижасида зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган айрим муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Аваламбор, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлиқ таъминлаш учун республика фармацевтика саноатини янада самарали ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш зарур.

Маҳаллий хомаш, жумладан, доривор ўтлар асосида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни кўпай-

тириш ҳисобидан фармацевтика маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, шунингдек, уларни тиббиёт амалиётга жорий қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Фармацевтика қорхоналарининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш учун хорижий хомаш ҳамда материалларга боғлиқлик даражаси юқориликча қолаётгани бу борадаги жиддий муаммодир. Мамлакатимиз қорхоналарида айрим фармацевтика маҳсулотларидаги дори-дармон воситалари, яъни онкологик, эндокринологик, махсус препаратлар ва психотроп воситалар ишлаб чиқарилаётган.

Дорихона муассасалари тармоғини янада оптималлаштириш масаласини ҳал этиш зарур. Дори-дармон воситалари нархларининг асоссиз оширилиши, шунингдек, бир хил дори воситаларининг нархларида катта фарқ борлиги кузатилаётган. Бу дорихоналарда дори-дармон воситаларига нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш ва улар фаолияти устидан назоратни қайтаришга доир шохлиқ чоралар кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига 2017 йилнинг 1 январидан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинмайдиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, тиббиётда кенг қўлланиладиган 167 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва 22 турдаги тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар белгиланмоқда. Бу нархлар даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш бўйича ташкил этиладиган Республика комиссияси томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида ўрнатилган тартибда ҳар чоракда белгиланади.

Мазкур комиссия зиммасига, шунингдек: мамлакатимиз фармацевтика бозорининг, жумладан, республикамизда ишлаб чиқарилаётган асосий дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлиги даражасини тизимли равишда таҳлил этиш ва ўтказилган таҳлил асосида дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари турларини диверсификация қилиш, мамлакатимиз бозорини етарли даражада тўлдиретишга доир таклифлар ишлаб чиқиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга маъсул давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш; нархларини белгилаш бўйича алоҳида тартиб ўрнатилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюм-

лари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилган тақдирда қарорлар қабул қилиш;

рўйхатга киритилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархларига rioя этилишини назорат қилиш тадбирларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва бошқа муҳим вазифалар юклатилган.

Юқорида кўрсатилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган қвоталар бўйича мамлакатимизда тегишли фаолият билан шуғулланган лицензиясига эга улгуржи ва улгуржи-чакана компаниялар ўртасида тендер ўтказиш асосида четдан харид қилинади. Бундай тендерларни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланадиган ташкилотлар томонидан нархлари давлат томонидан белгиланган тартибга rioя этилишини бевосита назорат қилади.

Мазкур қарорда дори-дармон воситаларини тўғри тавсия этиш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколлар стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун очик бўлган ахборот тизимлари орқали етказиш, уларга rioя этилишини қатъий назорат қилиш мақсадида халқаро амалиётга мувофиқ асосий касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва клиник протоколлар стандартларини такомиллаштиришга доир вазифалар белгиланган.

Қарорда энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгиланган минимал рўйхати, шифокор рецептисиз берилмайдиган дори-дармон воситалари рўйхатини тасдиқлаш;

юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги учун лицензияни бекор қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган ушбу қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши ички бозорни арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан янада тўлиқ таъминлаш, нарх белгилаш бўйича очик-ошқора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори воситаларини тавсия этиш бўйича номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолларга йўл қўймаслик имконини беради.

Мазкур барча чора-тадбирлар, биринчи навбатда, аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга, аҳолининг саломатлигини янада мустақамлашга хизмат қилади.



## Энг саралар аниқланди

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Ўзбекистон Республикаси кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Мустақиллик йилларида тадбиркорликни ривожлантириш, барча касб эгаларининг эркин меҳнат қилиши, айниқса, ёш мутахассисларни аниқлаш, ёшларнинг истеъдод ва ижодий қобилиятини юзага чиқариш, мунтазам равишда касб маҳорати ва билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишдаги вазифаларни бажариш, уларни янги босқичга олиб чиқиш, мамлакатимизда меҳнат қилаётган турли касб эгаларини ўз касбига бўлган фойдৌлигини ошириш, соҳа ривожига қўшаётган ҳиссасини рағбатлантириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш мақсадида жорий йилнинг август-сентябр ойларида танловнинг ҳудудий бос-

қичлари кўтаринки руҳда ўтказилди.

Турли касбларнинг ўзига-ўзига ва жозибadorлиги, мураккаблик даражасининг ортиб бориши тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Тармоқ қасаба уюшмаси томонидан турман ва шаҳарлар миқёсида танловга тааллуқли 100 дан зиёд тадбирлар ташкил этилди, уларда 2000 дан ортиқ иштирокчининг касбий маҳоратига баҳо берилди.

Танловнинг республика босқичида ҳудудий босқичларда сараланган 14 нафар ғолиб қатнашиб, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Давронбек ОРИПОВ,** «Ishonch» мухбири, август-сентябр ойларида танловнинг ҳудудий бос-

Бирор касб эгаси хусусида сўз юритганимизда, ҳурмат ва эъзоз рамзи сифатида «Ўз ишининг устаси» деган лутфни қўллаймиз. Дарҳақиқат, касбининг моҳир эгаси сифатида танилиб, хунари сир-асрорини мукамал даражада ўргатиб, шоғирдлари камолини кўришни ким ҳам устамайди, дейсиз? Наманган вилоятда ўтказилган «Ўз касбининг моҳир эгалари»ни тақдирлаш маросимида ана шу орзуга етишган инсонлар йиғилиши.

## Ўз ишининг устаси бўлсин

Этироф этиш лозимки, мамлакатимизда ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шaroитини яратиш, саломатлигини мустақамлаш, барча тармоқларда фаол меҳнат қилаётган ходимларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ҳар икки йилда аънавий равишда ўтказиб келинаётган «Ўз касбининг моҳир эгалари»ни тақдирлаш маросимлари турли соҳаларда намунали фаолият кўрсатаётган, фидокорона меҳнат билан юрт равақига ҳисса қўшаётган, ўз соҳасида юқори натижаларга эришаётган замонадошларимизни рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Жорий йилда Наманган вилоятда ҳам тадбирнинг қуйи босқичларида таълим, санъат, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш, давлат ва жамоат хизмати, транспорт, йўл қурилиши, агросаноат, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби тармоқларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб, ўз соҳасида катта тажриба ортирган, ютуқ ва муваффақиятларга эришган етти мингга яқин турли касб эгалари қатнашди. Меҳнат жамоаларида бу номга сазовор ходимларни тақдирлаш жараёни

тантанали равишда ташкил этилди.

«Ўз касбининг моҳир эгалари»ни саралаш жараёнида асосий эътибор, аввало, муайян соҳада кўп йиллар давомид меҳнат қилиб келадиганлиги, тажрибаси, ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариши, соҳани ривожлантириш борисидида изланувчанлиги, эришган ютуқлари, ташаббуслари, яратган янгиликлари, ёшларга ўз касбининг сир-асрорларини ўргатиб, шоғирдлар тайёрлаши, жамоадаги обуру-эътибори, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиши, мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотлар мазмун-моҳиятини тўғри англаши ва уларни нечоғли қўллаб-қувватлаши сингари масалаларга қаратилди.

Вилоят миқёсидаги тадбирда ўттиз нафар ходим «Ўз касбининг моҳир эгаси» сифатида тақдирланди ҳамда улар тармоқ қасаба уюшмалари Республика кенгашилари томонидан ўтказиладиган босқичда иштирок этишди. Яқини босқичда ҳам номзодлар иштирок этиши муносиб шарафлашга имкониятлар етарли.

**Раҳимжон СОДИҚОВ,** Наманган вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

Сайлов — 2016

# ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари иш бошлади

**2016 йил 2 ноябр кунин** Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотлари (ЕХХТ) Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Узбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари, элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Комиссиянинг ЕХХТ ДИИХБ билан ҳамкорлиги самарали ривожланиб бораётгани ва ижобий натижалар бераётганини таъкидлади. Жорий йилнинг 21 октябрида ДИИХБ томонидан эълон қилинган ҳисоботда айтилганидек, Узбекистонда сайлов кампаниясининг барча босқичлари қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Узбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик

куриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилмоқда. Учрашувда ЕХХТ ДИИХБ миссияси фаолияти, унинг Узбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Шу кунин** пойтахтимизда ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси Узбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш тадбирини бошлаши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер бошчилигидаги миссия пойтахтимизда 17 нафар кузатувчи эксперт ҳамда ҳуқуқларда фаолият кўрсатадиган 20 нафар узоқ муддатли кузатувчидан таркиб топиши маълум қилинди. Бундан ташқари, сайлов кунин ДИИХБ

250 нафар қисқа муддатли кузатувчиларни жалб қилиши режалаштирилган. Кузатувчи ва экспертлар ЕХХТнинг 21 аъзо мамлакатидан жалб қилинади.

Узоқ муддатли кузатувчилар гуруҳи аъзолари мамлакатимизга шу йилнинг 5 ноябр кунин кела бошлайди, қисқа муддатли кузатувчилар 2-6 декабр кунлари фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Сайловни кузатиш миссияси сайловни баҳолашда ЕХХТ мажбуриятлари, демократик сайлов ўтказилишининг ҳалқаро стандартлари ва талаблари ҳамда миллий қонунчиликка таянади. Кузатувчилар сайлов кампанияси тадбирларини, сайлов маъмурияти ва мутасадди ташкилотлар фаолиятини, қонунчиликка риоя қилиш жараёнларини кузатади. Экспертлар сайлов тадбирлари оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишини мониторинг қилиб боради.

Кузатув давомида миссия тегишли давлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, номзодлар, фуқаролик жамияти институти, оммавий ахборот воситалари ҳамда

дипломатик корпус вакиллари билан учрашувлар ўтказиши кўзда тутилган.

Сайлов кунин кузатувчилар сайлов участкаларининг очирилиши, овоз бериш жараёни, овозларни санаш ва унинг натижаларини тақдим қилиш жараёнларини кузатади. Миссиянинг дастлабки натижа ва ҳулосалари бўйича ҳужжат сайловдан бир кун ўтиб чоп этилади.

Бюро экспертлари 2015 йилнинг декабр ойида «Узбекистон Республикаси Президенти сайловни тўғрисида»ги, «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларга ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини алоҳида қайд этди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок эти олишини енгиллаштириш мақсадида Президентликка номзод кўрсатиш учун зарур бўладиган имзолар сонининг қисқартирилгани, сайлов олди ташвиқоти тушунчаси, уни ўтказиш шакллари, турлари ва усуллари тўғрисидаги норманинг мустаҳкамлаб қўйилгани, қамқоқ сақлаш жойларида

сайлов участкалари тузилиши, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва жараёни мустаҳкамлаб қўйилгани, овоз бериш бошланғичи бир кун қолганида ташвиқот қилинмаслиги, бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, номзодлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаб тулганган имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текшириш тартиб-таъмири, сайлов олди ташвиқоти ҳамда сайлов кампанияси молиялаштирилиши, шикоят ва аризалар кўриб чиқилиши, шунингдек, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва вазибаларига оид масалаларни тартибга солидиган ҳужжатлар янгилангани ҳам таъкидланди.

Тадбирда миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, қолаверса, мамлакатимиз Узбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳалқаро стандартларга мувофиқ очик ва ошқора ўтказишга тайёр эканини эътироф этган ҳолда ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Узбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун ўзининг тўлақонли миссиясини юборишга қарор қилгани алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

**Б.БОЗОРОВ,**  
**УзА мухбири**

Ўқув-семинар

## Жамоатчилик назорати

**Муносиб иш шaroити яратиш, ишловчиларнинг меҳнатига оид ҳуқуқларни ҳимоя қилиш долзарб вазибалардан бирига айланди. Янги таҳрирда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун бў борада муҳим ўрин тутди.**

Сурхондарё вилоят касаб уюшмаси ташкилотлари бирлашмасида «Меҳнат шaroитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури» доирасида «Меҳнат муҳофазаси ва sanoат хавфсизлиги» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят бошқармалари, муассаса, корхона ва ташкилот мутасаддилари, касаб уюшма фаоллари ва етакчилари қатнашди.

Уни бирлашма кенгаши раиси А.Аҳмедов кириш сўзи билан очиб, бу борада воҳода олиб борилаётган ишларга мухтастар тўхталди. УзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Нурилло Далахонов «Меҳнатни муҳофаза қилишда жамоатчилик назорати» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, меҳнатни муҳофаза қилувчи вакил фаолияти ҳақида видеоорлик йиғилганлар ҳужмига ҳавола этилди.

Семинарда вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бўлим санитар-врачи Жуманазар Болтаев «Иш ўринларини меҳнат шaroити ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ишларини ташкил этиш тўғрисида», Бюджетдан ташқари пенсия жағмармаси вилоят бошқармаси бўлим бошлиги Абдуназар Донаев «Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларга, чет элда ишлаб келган фуқароларнинг пенсия таъминотидаги янгиликлар тўғрисидаги маърузалар қилишди.

Иштирокчилар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича намунали ташкил этилган «Жарқўрғоннефт» АЖнинг фаолияти билан қийндан танишди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

Қонун тарғиботи

**Андижонда** Узбекистон касаб уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси ва sanoат хавфсизлиги» мавзусидаги семинарни вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Қодиржон Парпиев олиб борди.

## Меҳнат муҳофазаси ва sanoат хавфсизлиги

ишлаб чиқариш жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

Таъкидланганидек, ишлаб чиқариш объектидаги мавжуд жойда бахтсиз ҳодиса содир бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Меҳнат қонунчилиги мана шундай ҳар бир ҳолатни аниқлаш, тегишли идораларни хабардор этиш ва махсус текширишнинг қатъий талабларини белгилаб қўйган. Бунда иш бевуқин қонун ҳужжатлари талабини қай даражада тўғри ва аниқ бажариши, ходимлар манфаатини кўзлаштириш эмас, балки унинг аниқ жиҳат бўйича масъулиятини ошириш зарурлиги ҳам кўзда тутилган.

Узбекистон касаб уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни сифатли ва самарали текшириш, техникавий ва ташкилий сабабларни кўрсатиши, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилашга оид таъйинланган услубий қўлланмани амалиётга татбиқ этилгани бў борада муҳим дастуриямал бўлаётди. Натижада, меҳнат муҳофазаси ва шaroитлар ҳолати ҳамда касб касалликларини таҳлил этиш имкони янада кенгайди.

Семинарда вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази меҳнат гигиена бўлими мудири Рашида Жабборова, «Сантогтеоконтехназорат» Андижон минтақавий инспекциясининг давлат инспектори Худойберди Баратов, «УзКорамКо» масъулиятли чекланган жамияти хавфсизлик техникаси мутахассиси Бобиржон Аҳмедов, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жағмармаси вилоят бошқармаси пенсия, нафақалар тайёрлаш ва мониторинг бўлими мудири Ойбек Жалилов ва бошқалар мавзу юзасидан сўзга чиқдилар.

Семинар иштирокчилари масъулият чекланган жамияти шаклидаги «УзДонгЖу-ПэинтКо» қўшма корхонаси-

нинг «Матиз», «Дамас», «Спарк», «Нексия-2», «Нексия-3», «Ласетти» русумли автомобиллар учун резина шип-ловчи қисмлар тайёрлаш ҳақида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида рўйбга чиқараётган ибратли ишларни алоҳида эътироф этди.

«Бу ерда меҳнат қилаётган 187.ҳодимнинг 95 нафарини аёллар ташкил қилади. Жамоанинг 130 аъзоси ноқулай иш шaroитида банд. Шундан келиб чиқиб, улар учун барча зарур шарт-шaroит яратилган. Бепул автобус қатновчи, махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, зарарли иш шaroитида фаолият кўрсатаётганларга сут-қатик маҳсулотлари таъминоти тизимли равишда йўлга қўйилган. 160 ўринли ошхона майдонида фаввора, қишқи боғ барпо этилган. Замонавий талабга жавоб бевуқчи махсус ювенил хоналари ишлаб турбиди.

Бу каби ўрганишга арзийдиган тажрибалар мисолида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Семинарда Узбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Каримова янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг ўзига хос жиҳатлари, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аҳамияти, олдинда турган вазибалар ҳақида сўз юритди.

Меҳнатни муҳофаза қилишда жамоатчилик назорати, бў юмушга дахлдор вакилнинг фаолияти хусусидаги видеоорлик намойиши иштирокчиларнинг тушуна ва тасаввурларини янада кенгайтди. Қун тартибидagi масала юзасидан бир қатор тақлифлар ўртага ташланди.

**Нурилло НҲЪМОНОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

Тадбиркорлик кенг йўл


## Ислоҳотларнинг тотли меваси

Мамлакатимизда солиқ қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шaroитлар яратишга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, айнаика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кенг йўл очмоқда.

Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилган, шунингдек, қонун ҳужжатлари асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилгани айнаи муқддо бўлди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз қилиб белгиланди. Эътироф этиш жоизки, ягона солиқ тўлови ставкасининг камайиши ҳисобига микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида жорий йилда 58,4 млрд. сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

Ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ ҳўжалиги ерларининг қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланган бўлиб, бунда, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги «Қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аниқланган экин майдонларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши тартиби жорий қилинган.

Жорий йилнинг 5 октябрида қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон қилиқ



бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тезкор ривожини, хусусий мулкнинг дахлсизлигини кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, юртимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида қаратилгани билан гўят аҳамиятлидир.

Саккиз бош қорамолга ажратилган 25 гектар ер майдони билан чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалигимизга 2001 йили отам — Ёқубжон Ҳакимов асос солган эди. Бугунга келиб жамоамиз қўп тармоқли ҳўжаликка айланди. Зотдор қорамоллар сонини юз бошдан ортди, улардан қирқтаси соғин сгирдир. Экин майдонимиз 68 гектарга эди. 2011 йили бандан олган 100 минг АҚШ доллари ҳисобида сўни қайта ишлаш ускунаси сотиб олди. Эндиликда қаймоқ, қатик, биокефир, пишлоқ, творог, сметана сингари ўн турдаги сўт маҳсулотларини Жиззах шаҳри, Фориш, Дўстлик туманларидаги олтимишга яқин дўкон ҳамда мактабгача таълим муассасаларига етказиб бермоқдамиз. Яқинда Туркиянинг «Semsan» компания-

сидан бир миллиард сўмга сотиб олинган қушхона ускунаси саккиз соатда юз бош қорамол сўйиш имкониятига эга. У тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, чиқитсиз технология асосида ишлайди. Янги қон ва бошқа кераксий озуклар Африка лаққа балиғига берилди. Мол қорни ва ичак чиқиндисини ўғит сифатида ишлатилса, майдаланган сўк паррандачилик корхоналарига юборилди. Сўйилган мол териси ҳаво ёрдамида шилиниши туфайли терининг бирор жойига шикаст етмайди. Бу эса ўз навбатида чарм-пойабзал корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилишга кўл қўмоқда. Янги линия ишга тушиши қирқта янги иш ўрни яратиш имконини берди ва жамоамиздаги умумий ходимлар эллик нафарга эгди.

Режаларимиз улкан. Яқин келажақда колбаса ишлаб чиқариш йўлга қўйиб, паррандачилик ва балиқчилик соҳасига озукларни дид билан қадоқланган ҳолда етказиб бериш ниятидамыз.

**Зафар ҲАКИМОВ,**  
**Жиззах туманидаги «Чақмоқ»**  
**кўптармоқли фермер**  
**ҳўжалиги раҳбари**

Касаб уюшмаси ёрдам берди

## Ҳодим ишга тикланди

Кимё ва фармацевтика sanoати ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашига «Навойазот» АЖнинг меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва атроф-муҳит муҳофазаси бўлими бошлиғи — бош мутахассис лавозимда ишлаб келган Разақов Жалиловни ишга тиклашга амалий ёрдам бериш юзасидан шикоят хати келиб тушди.

Мурожаатини ўрганиш жараёнида иш бевуқчи томонидан меҳнат таътилида бўлган Р.Жалилов билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг

100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан бекор қилинганлиги маълум бўлди. Аниқланганича, иш бевуқчининг 2016 йил 5 сентябрдаги тақдимномаси ўша куннинг ўзида касаб уюшма қўмитасининг йиғилишида Р.Жалиловнинг иштирокисиз кўриб чиқилган ва ҳодимга ўзини ҳимоя қилишга имкон берилмаган. Ваҳоланки, МКнинг 101-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги иш бевуқчининг ёзма тақдимномасини касаб уюшма қўмитасида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарор ҳақида

иш бевуқчиға ёзма хабар ўн кунлик муддатда маълум қилиниши белгиланган.

Р.Жалиловнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва кафолатлари бузилганлиги боис Кимё ва фармацевтика sanoати ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши «Навойазот» АЖ раҳбари Н.Жўраева ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига биноан бекор қилиш тўғрисида 2016 йил 6 сентябрда чиқарилган буйруқни бекор қилиб, Р.Жалиловнинг аввалги ишга тиклаш таклифини берди. Натижада, ушбу таклиф кўриб чиқилиб, Р.Жалиловнинг эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилинди.

**Аслиддин ҲАСАНБОВЕВ,**  
**Кимё ва фармацевтика sanoати ходимлари**  
**касаб уюшмаси Республика кенгашининг бош**  
**юристконсулти**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### 2016 йил 5 декабр кунин соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Ҳўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги тракторлар қўйилади:

1. Музробод туманидаги «Oqtoshobod Chorbog» ММТП тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган 75 АА 135 давлат рақамли «МТЗ-80Х» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги тракторнинг бошланғич баҳоси — **1 120 000 сўм.**
2. Музробод туманидаги «Oqtoshobod Chorbog» ММТП тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1988 йилда ишлаб чиқарилган 75 АА 159 давлат рақамли «МТЗ-80Х» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги тракторнинг бошланғич баҳоси — **1 180 000 сўм.**
3. Музробод туманидаги «Oqtoshobod Chorbog» ММТП тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1980 йилда ишлаб чиқарилган 75 АА 885 давлат рақамли «МТЗ-80Х» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги тракторнинг бошланғич баҳоси — **1 150 000 сўм.**
4. Музробод туманидаги «Oqtoshobod Chorbog» ММТП тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган

- 1988 йилда ишлаб чиқарилган 75 АА 158 давлат рақамли «МТЗ-80Х» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги тракторнинг бошланғич баҳоси — **1 220 000 сўм.**
- Тракторлар билан «Oqtoshobod Chorbog» ММТП тугатиш бошқарувчисини вакили иштирокида бевосита жойинга чиқиб танишиш мумкин.
- Юқоридаги мулк **2016 йил 5 декабрдаги** аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси **2016 йил 20 декабр** кунин соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз.
- Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан ласпорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.
- Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар зақалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, зақалат пулини тўлаган харидорлардан аризалар-

- ни қабул қилиш савдо бошланғичидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.
- Талабдорлар «Зақалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулият чекланган жамиятининг «НАМКORBANK» АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИНН: 303477661, Х/Р: 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар ласпорт нусхаси, зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
- Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Ҳўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (0-376) 223-25-55.
- Хизматлар лицензияланган.**

### «Surxondaryo universal milk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!


- Аукцион савдосига қуйидаги автомобилотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:
1. Қизилқум туманидаги «Қизилқумдасувамаҳсулоти» МЧЖ ДУК томонидан савдога чиқарилган «CLG925LL» русумли, 2008 йилда и/ч, 75 СА 281 д/б, носоавтомат экскаватор. Бошланғич баҳоси — 145 600 000 сўм.
  2. Сурхондарё вилоят Давлат экологик экспертизаси томонидан савдога чиқарилган «ГБАСПГНЕКСИЯSONC» русумли, 2009 йилда и/ч, 75/032 ЕАА д/б, носоавтомат шина. Бошланғич баҳоси — 6 730 000 сўм.
  3. Денов туманидаги «Моддий техника таъминоти» текстил МЧЖ томонидан савдога чиқарилган «Газ-53А» русумли, 1979 йилда и/ч, 75/135 НАА д/б, носоавтомат шина. Бошланғич баҳоси — 950 000 сўм.
  4. Узбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази Сурхондарё вилоят бўлими томонидан савдога чиқарилган «Тик» русумли, 1998 йилда и/ч, 75/359 ОАА д/б, носоавтомат шина. Бошланғич баҳоси — 1 063 000 сўм.
  - Аукцион савдолари Термиз шаҳар, Ф.Ҳўжаев кўча-

- си, 32-уйда жойлашган, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2016 йилнинг 5, 7, 12 декабр кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Мазкур автотранспорт воситалари ушбу савдоларда сотилмай қолганда, такрорий савдолар 28, 29 декабр кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.
- Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабдорлар «Surxondaryo universal milk savdo» МЧЖ билан зақалат шартномасини расмийлаштириб, ЧЭКИ «Ҳамкорбанк» х/р: 20208000400426628001, МФО: 01001, ИНН: 303172243 га сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишилари шарт. Аризаларини қабул қилиш савдо бошланғичидан бир кун олдин тўхтатилади.
- Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Тел/факс: (0-376) -223-45-50. Гўвоҳнома: № 637.
- Хизматлар лицензияланган.**

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

## Фарзанд азиз, тарбияси ундан-да азиз



Лайло Тойирова, психолог

— Эркалангиш билан вужда келадиган ўжарлик 3 ёшли болалар рухий оламида кўп учрайди. Айнан бу ёшдан бошлаб болада ўз шахсий «мен»и ривож топа боради. Бу бизни кувонтирибгина қолмай, хушёр тортириши ҳам керак. Унутмайликки, болага нисбатан ҳаддан зиёд меҳр қўйиш, эркалатиш, талаб-истакларини сўзсиз адо этиш натижасида эркалик ва ўжарлик юзага келади. Шунингдек, бола хулқ-атворини, бажарган ишларини мактабда, ўзини талтайтириш ёки унга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш ҳам бунга сабаб бўлади. Ҳоҳ оилада, ҳоҳ боғчада барчага бир шароитда эътибор бериш, айни вақтда болани ўз ҳолига ташлаб қўймаслик ўжарликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Кўп ҳолларда бола рухий оламида катталарга нисбатан уюлган гина-адоват ҳам қайсарлик, ўжарликка етаклайди. У ўқинади, ичдан куйинади, ҳимоячиси йўқлигини уйлаб рўҳиятида салбий ўзгаришлар кўчаиб боради.

Фарзандини ўз майлига ташлаб қўйиш, жуда эрта эркинлик «ҳада» қилиш мураккаб вазиятлар пайдо бўлишига за-

мин яратиши тахрибадан маълум.

Катталарнинг қизиқ оdatи бор. Қариндош ёки дўстининг боласини гапга солиб аксарият ҳолатларда «Онанинг кўпроқ яхши кўрасаними ёки отанинг?» деб мувожабат қилишади.

Лекин шуни ҳам ёдда тутишимиз даркорки, бола камчиликларини юзига айтмаганда, унда ишонсизлик, қўрқув, хавотир туйғуларини юзига келтирилади.

**Ширин Атажўраева, Тошкент шаҳридаги 480-маҳсув МТМ дефектолог:**

— Боладаги ўжарликка баъзида ота-оналарнинг ўзи сабаб бўлади. Уни тушунмасдан ҳар хил мураккаб вазиятларни юзига келтиришади. Бола гоҳида ўзига айтилган сўзининг моҳиятини тушунмаслиги, англаб етмаслиги, гоҳи ўйинга ҳаддан ташқари берилиб кетиши, катталарнинг овозини эшитмай қолиши мумкин. Бундай вақтда унда тасвир ёки қўзғатувчиға эътибор бериш қобилиятининг етишмаслиги, унинг кўтаринки ёки тушқун қайфияти ҳалақит беришини, афсуски, ҳаммамиз ҳам англаб етмавермаймиз. Ахир бола ўз ўйларини, ички кечинмаларини билан бандлиги сабабли ташқи таъсирларга жавоб беришга бироз кечикаётган бўлса-чи? Ана шу жараёнда катталарнинг мулоқотдаги қўполлиги болада қайсарликнинг илдиз отишига замин яратди. У ҳар қандай тақлиф, бўйруқ, ҳатто илтимосни ҳам рад этади. Бир маромада йўқ, керак эмас, билмайман, бер-

Кўп қаватли уйда яшаймиз. Ҳар куни кечга яқин болаларимни уйимиз олдидаги майдончага олиб чиқаман. Уларга қўшилиб ўзим ҳам яйраб кетаман. Баъзан гапдан-гап чиқиб, қўшни аёллар фарзандларининг ўжарлиги, қайсарлигидан шунанганги нолийдики, асти қўяверасиз. Муаммони ҳал қилишга келганда, айбни бошқалардан излашади.

Ҳақиқатдан ҳам болада қузатиладиган ўжарлик, қайсарлик ёш билан боғлиқми ёки оилавий муҳит таъсирими? Мутахассислар буни қуйидагича изоҳлашади:

шкча фикрда: тарбия жараёнида боланинг эришган, эришмаётган ютуқларини — 60 фоиз мақтов, 40 фоиз тахлил билан амалга оширган маъқул-лигини айтишади.

Лекин шуни ҳам ёдда тутишимиз даркорки, бола камчиликларини юзига айтмаганда, унда ишонсизлик, қўрқув, хавотир туйғуларини юзига келтирилади.

**Юлдуз Абдиева, Юнусов туманидаги 51-оилавий поликлиника шифокори:**

— Шифокорлар организмнинг физиологик жиҳатдан тез суръатлар билан ўсиши натижасида бола шўх, сергайрат, тиниб-тинчимас, ҳамма нарсага қизиқувчан бўлиб қолишини исботлашган. Лекин, негадир баъзи ота-оналар боласига маълум вазифани топириши, унинг натижаси билан мутолға қилишмайди. Бу каби вазиятга тушган бола ўзига нисбатан ҳурматсизликни ҳис қилади, мени писанд этишмайди, деган хулосага келади.

Ота-оналар бола шахсини ҳурмат қилиши, унинг эҳтиёжи билан ҳисоблашилари керак. Болани севиш ва унинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, қизиқликларига эътибор бериш ўжарликнинг олдини олишда муҳим шарт ҳисобланади.

Қадимги Ҳинд халқи эпосларининг бирида шундай воқеа келтирилади. Бир оила уч фарзанди билан ўрмонда кечки пайт адашиб қолишади. Шунда уларнинг олдида ёвуз махлук чиқиб, қорни очлигини, уч боладан бирини емоқчилигини айтади. Бундай ҳолатдан

майман, деб жавоб қайтаради. Унинг хатти-ҳаракатида ўжарлик пайдо бўлади.

Катта ёшдаги одамлар, ота-она, тарбиячилар бундай ҳолатларда ўзларини хотир-жам тутиши, шароитга қараб ён босишни ҳам билиши керак.

**Юлдуз Абдиева, Юнусов туманидаги 51-оилавий поликлиника шифокори:**

— Шифокорлар организмнинг физиологик жиҳатдан тез суръатлар билан ўсиши натижасида бола шўх, сергайрат, тиниб-тинчимас, ҳамма нарсага қизиқувчан бўлиб қолишини исботлашган. Лекин, негадир баъзи ота-оналар боласига маълум вазифани топириши, унинг натижаси билан мутолға қилишмайди. Бу каби вазиятга тушган бола ўзига нисбатан ҳурматсизликни ҳис қилади, мени писанд этишмайди, деган хулосага келади.

Ота-оналар бола шахсини ҳурмат қилиши, унинг эҳтиёжи билан ҳисоблашилари керак. Болани севиш ва унинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, қизиқликларига эътибор бериш ўжарликнинг олдини олишда муҳим шарт ҳисобланади.

Қадимги Ҳинд халқи эпосларининг бирида шундай воқеа келтирилади. Бир оила уч фарзанди билан ўрмонда кечки пайт адашиб қолишади. Шунда уларнинг олдида ёвуз махлук чиқиб, қорни очлигини, уч боладан бирини емоқчилигини айтади. Бундай ҳолатдан

ҳаяжонга тушган ота катта фарзандини, она кичик фарзандини қучганча қалтираб туради. Шўрлик ўртанча фарзанд олдинга чиқиб: «Эй махлук, оиламизда отам доим катта акамни кўз очиб кўрганим, дея еру қўкка ишонмайди, одам укамни кенжаҳотийм, деб суйиб-эркалайди. Мен улар учун ҳар доим ортиқча бўлганман, кел, мени ея қол, дейди».

Албатта, бу ҳикоят, уни қандай тахлил қилиш кишиларнинг ўзига ҳавола. Аммо бугунги кунда ҳам «Ойим опамни ёки укамни кўпроқ яхши кўради, улар учун менинг керагим йўқ», деб ўқинадиган болалар учраб туради.

Фарзанд шундай улғуньяматки, ҳеч бир ота-она бирини-бириндан устун қўйишни истамайди. Ҳар бирига жону жаҳонига тенг меҳр кўрсатишга қодир. Лекин арзимас сабаблар туйғайли ўзларини эътибордан четда қолаётгандек ҳис қилаётган болаларда бегонасираш аломатлари пайдо бўлишини унутмайлик.


Бола ижтимоий ҳаёт қонуноқидларининг 70 фоизини 5 ёшгача эгаллар экан, уни ёшларидан гўзал туйғуларга эга бўлишига замин яратилади. Зеро, бола мисоли навиқол. Уни қанчалик тўғри тарбиялаб, атрофдаги ёш унсурлардан ҳимоя қилса, келажакда берадиган меваси ҳам шунга яраша бўлади.

**Навбахор РАҲМОНОВА, Зулфия номидаги давлат муқофоти соҳиби**



### Том электр ишлаб чиқаради

Tesla Motors раҳбари Илон Маск Лос-Анжелесда Соларитй компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган янги лойиҳани тақдим этди. Бу ҳақда «РБК» хабар тарқатди.



Тесла қуёш энергиясини жамлайдиган уй монокит томлари ва Powerwall 2.0 ҳамда Powerpac энергия захираси тизимларини намойиш этди. Лойиҳанинг алоҳида хусусияти шундаки, том қуёш энергиясини яхлит тўпловчи панелдан иборат.

Маск томларнинг жами 4 моделини тақдим этди. Улардаги қуёш панеллари турли шаклдаги текис ойнадан иборат. Шу тариқа улар турли дизайнларга тўғри келиши мумкин. Tesla асосчиси бундай том бутун бошли уйни 100 фоиз қайта тиклануви энергия билан таъминлашни билдиришмоқда.

**Саховатпеша**

Ҳиндистондаги Hare Krishna Exports заргарлик компанияси ҳўжайини Савжибхай Дхолокия мамлакатдаги бош байрам Дивали муносабати билан ҳодимларига 1260 та машина совға қилишга қарор қилди. Бундан ташқари, 400 нафар ишчисига хонадон қалитларини топширади, деб ёзади The Guardian.

Дхолокия ҳодимларига, шунингдек, заргарлик тақинчоқлари ҳам тарқатади. Тадбиркор Hare Krishna Exports компаниясининг энг содиқ ва иқтидорли ҳодимларига бериладиган совғалар учун 7 млн. АҚШ долларини сарфлашни режалаштирган.

— Бизнинг мақсадимиз — ишчиларимизнинг ҳар бири яқин беш йилда ўз уйи ва автомобилга эга бўлишини таъминлашдир. Шу боисдан биз уларга автомобиллар, хонадонлар ва заргарлик маҳсулотлари совға қилмоқчимиз, — дейди Дхолокия.

Hare Krishna Exports компанияси 75 та мамлакатга бриллиантлар етказиб беради. Таъкидлашчиға, ишчиларни бу каби қўллаб-қувватлаш фирма тарихида илк бор ўтказилмаётган. 2014 йил мазкур компания ҳодимлари 491 та автомобил ва 207 та хонадон соҳибига айланган.

### Умрни узайтирувчи ген

Америкалик олимлар ўчирилиши умрни ярминдан кўпига узайтира оладиган сени тоғди. Бу ҳақда correspondent.ru хабар беришмоқда.

Генетиклар тажриба давомида Saccharomyces cerevisiae микроорганизми геноминини модификация қилган. Тажриба давомида олимлар генетик кодига алоҳида ўзгаришлар киритилган 4698 та модификацияланган бактерияни олишга муваффақ бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, организм умри давомийлиги 238 та ген таъсир қўрсатади. Бироқ улардан фақат биттаси — LOS1ни ўзгартриш дровжи ҳўжайралари умрини 60 фоизга узайтирди.

Қайд этиш жоиз, олимлар тажрибада организмларнинг умумий умр давомийлигини эмас, балки она ҳўжайра бўлиниш қобилиятини сақлаб тура оладиган даврни ҳисобга олган.

### Колизей хавф остида

Римнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири — Колизейнинг қузатувчиси Франческо Просперетти Италияда яқинда юз берган зилзила оқибатида қадимий обиданинг қулаши мумкинлигидан хавотир билдирди.

Таъкидлашчиға, «янги дунё мўъжизаларидан бири» яна бир зилзилага дош беролмай, ўзининг икки минг йиллигига етиб бормаслиги мумкин.

Просперетти Corriere della Sera нашрига берган интервьюсида ҳар бир янги зилзила икки минг йиллик иншоотга борган сари хавфли юклама туғдираётганини, ундаги ёриқлар катталашаётганини маълум қилди.

Унинг айтишича, 30 октябрда Колизей текширувдан ўтказилган, яқини хулосаларга кўра унинг бир қисмини ташриф буюрувчиларга ёпишга қарор қилинган. Бинонинг бошқа қисми, яъни Форум, Пантеон ҳамон очкилигича қолмоқда.

Археолог Алессандро Д'Алессо қадимий римликларнинг Италиядаги сейсмологик вазиятдан хабардор бўлишини ва биноларни шуни ҳисобга олиб қуришгани ҳақидаги фикрни айтиб ўтди.

Курилиши 80 йилда битказилган Колизей ўз тарихида бир неча зилзилаларни бошдан кечирган. 1349 йилдаги бундай зилзилалардан бири оқибатида иморатнинг жанубий қисми қулаб тушган, 1703 йилдаги зилзила ҳам унга анчагина талофат етказганди.

Интернет материаллари асосида Азиз АТАМУРАТОВ тайёрлади

### Истеъдодлар орамизда

Кафтдеккина телефондан тортиб, интернетдаги веб-сайтларгача техниканинг ёрқин мўъжизаларидир. Аммо ҳеч ўйлаб кўрганамиз, уларнинг ихтиросчиси ким? Балки сизу биз каби ёшлардир. Фарғона санъат коллежи ўқувчиси Мухаммадқодир Абдувоитовга шу жиҳатдан ҳавас қилса арзийди.

## Мўъжизалар ғоядан яраллади

Мухаммадқодир яқинда пухта бир дастур яратишининг удрасидан чиқди. Унинг ғояси асосида яратилган HTML дастурлаш тилида ишловчи дастурлаш муҳити компютер фойдаланувчилари учун жуда қулай имкониятларни яратди. Энг осон дастурлаш тили ҳисобланган бу муҳит локал сайтлар яратишда ҳам қўл келади. У бу ғояни яратишга ундаган воқеани жуда яхши эслайди. Ушанда «Энг яхши ахборот таълим ресурслари — 2016» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этаётган эди. Унга ўхшаган иқтидорли тенгдошлари билан танишиб, уларнинг ишларини кузатиш чоғида тажрибали устоз Баҳодир Болтабоевни учратиб қолди.

У киши мактаблар учун мўъжалланган информатика дарсликларининг муаллифи эди. Мухаммадқодир шоша-пиша унга олиб келган иш намуналарини кўрсатди. Баҳодир Болтабоев унинг изланишларини қўллаб-қувватлаб, маслаҳат берди:

— Очиғи, ёшларимизнинг интилишларидан хурсандман. Аммо бу бошланғич қадам холос. Сиз ҳеч мустакил лойиҳа тайёрлаш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Шундай ғоя яратингки, лойиҳангиз асосида бошқалар ҳам дастур яратиш кўришин. Ана шу қобилиятингизни юксалтиради, ўйлашга мажбур қилади. Тўғри, бу бироз мураккаб. Аммо сизга ишонман.

Шу-шу Мухаммадқодир бирор янгилик

муаллифиға айланишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйди. Билмаганларини ўрганди, билганларини янада мустаҳкамлади. Баҳодир ака айтганидек, М.Абдувоитовнинг истеъдоди танловларда яққол кўзга ташланди. Худди шу ихтироси билан Мухаммадқодир яқиндагина «Юрт келажағи» республика кўрик-танловининг ҳал қилувчи босқичида ахборот технологиялари ва рационализиаторлик тақлифлари йўналиши бўйича мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

— Виртуал ўқув марказини ташкил этиш ниетидаман, — дейди Мухаммадқодир. — Бу борада хорижий дўстларим билан интернет орқали фикр алмашиб турибман. Виртуалликнинг ўзига хос жиҳатлари кўп. Бу оламда туриб бир зумда Парижға ёки Америкаға бориб қолишингиз ҳеч гап эмас. Ёки бетақор тарихимизни жуда яқиндан ҳис қилиш мумкин. АКТни ривожлантиришга юртимизда катта эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Бу имкониятлар бизни катта ютуқларга бошлайди.

Дарҳаққат, мўъжизалар ҳам ғоялардан туғилади! Мўҳими, изланиш, кунт, билим олишға иштиёқ бўлса бас...

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

### ● ОБУНА — 2017

**ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР**

Тургун БЕКНАЗАРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Мен муштарий сифатида «Ishonch» газетасида чоп этилаётган маданий ва тарихий меросимиз, миллий-маънавий қадриятлар, урф-одат ва аъёнларимиз ҳақидаги мақолаларни севиб мутолаа қиламан. Аслида, биз санъаткорлар ҳам маънавият ҳамда маданият тарғиботчиларимиз. Касаба уюшма фаоли сифатида эса газетани касаба уюшмалари тизимидаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар жараёни ҳақида доимий равишда хабардор қилиб борувчи асосий ахборот манбаи сифатида биланман. Қарангки, ҳар икки ҳолатда ҳам газета энг яқин ҳамкорим экан. Айб бўлмайтки, «Ishonch» турли соҳа вакилларининг бирдек севили газетасидир. Демак, обуна бўлишға иштилинг, асло ютказмайсиз!

**Ishonch — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗИ!**

Нашр индекси — 133.  
Тўлиқ бир йил учун расмийлаштирилган имтиёзли обуна индекси — 3133.

**Ҳикмат излаганға ҳикматдир дунё...**

Жалолиддин Румийдан бир ҳовуч гавҳар

**Инсонларнинг энг хайрлиси инсон ва инсониятга нафи теккан кимсалардир.**

\*\*\*

Кўнгил бирлиги тил бирлигидан устундир.

\*\*\*

Инсоннинг хайрли ва яхшичилигини сўйла, кўрасанким ул душман сенинг энг яхши дўстингга айлангай. Чунки кўнгилдан тилға, тилдан эса кўнгилға йўл бордир.

\*\*\*

Дўстлик пул ёки молдунёға эмас, руҳға, туйғуга асосланади.

\*\*\*

Асл мақсад севмоқдир. Инсоннинг жавҳаридиғи бу туйғунин юксалтириш лозим. Танимиш бир хум кабилдир. Бу хумнинг боли ва мумин ҳам илоҳий ишқдир.

\*\*\*

Сизға узатилган ҳамма кўлни тутаверманг. Чунки инсон никобидиғи неча шайтонлар бордир.

**MUASSIS:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:** Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:** Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

**BO'LIMLAR:** Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63; Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69; Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79; Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43; Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Manzillimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

**HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:** Qoraqalpog'Iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32; Andijon — (+998-91) 475-23-60; Buxoro — (+998-91) 653-50-81; Jizzax — (+998-91) 943-67-44; Namangan — (+998-90) 260-50-77; Navoiy — (+998-93) 314-13-03; Samarqand — (+998-97) 915-50-87; Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55; Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07; Farg'ona — (+998-91) 141-27-70; Xorazm — (+998-90) 719-48-00; Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** A.Toshev

**Navbatchi:** A.Arslonov

**Musahhah:** S.Shodiyeva

**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 21:10  
Topshirishi — 22:30

1 2 3 4 5 6

**«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.**

**Korxonа manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida taritiladi va sahifalantadi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hojni 2 bosma tobaq. Buyurtma T — 1115. 13695 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxminiy xisob rakami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Ипотечка банк» Яшновод филиали, банк коди: 00959, СТІР: 201133889, ОКОНХ: 87100